

Маълумдирки, ҳар нарса ўз аҳли (яъни ўз касб-корлари — У. С.) тарафиндан ёзилса яхши ёзиладур. Шукрлар ўлсунки, бизнинг орамизда ҳам сўнгги йилларда миллий тиётр ва рўмон китоблари ёзилуб босдирилувлар қўрилмакга бошлади... «Падаркуш» ёзилгондин кейин ёшларимизда катта бир рағбат ҳосил бўлуб ҳар шаҳарнинг сахналарида ўйналди. Тошканд, Самарканд, Хўканд каби марказларда 2—3 маротаба ҳам ўйналди. Ишта булар миллатнинг интибоҳига хайрли бир фолдир. Аммо мунинг илагина суюниб ўзимизни юпатмайлуқ. Хали бизга қўб тиётр ва рўмон китоблари ёзмок керакдурким, бу карз бир ховуч зиёли ёшларимиз ила аҳли каламимиз устларига тушадир.

Мухтарам калам ахллари, миллий маишатни ёмон деб ёзмай, зохирда бўлса ҳам тўйларда, гапхоналарда, баччабозлар мажлисида, базмларда ва шунга ўхшаш миллатнинг энг танкид килатургон ўринларинда бирга аралашуб юрмаклари керакдурки, токи комил ўшал одатларни китоб саҳифаларида чиройлироқ килуб ёзгундай бўлсунлар. Миллий маишатдан безган билан безилуб, қўмилуб кетаберадир. Онда аралашиб юрулса, ондаги сўзларни, одатларни ўрганмокка бўладурки, китоб бетларига кўчируб ёзмокка материёлларнинг энг асллари халқ орасидан олунадир. Оврупонинг катта-катта муҳаррирлари ўшал ўзларининг яхши-ёмон одатлари орасида юрубдирлар. Сўнгра қўлларига калам олуб, яхшисини яхши, ёмонини ёмон кўрсатуб ёзубдурлар.

Ишта муҳтарам ёшларимиз машаккат бўлса ҳам халқимизнинг ичида оралашуб юруб китоблар ёзубга материёллар тайёрласалар. Бу йўлдаги ихтиёжни бир қадар адо килгон бўлуқ эдилар.

Бизим бу арзимиз бир муҳаррирларгагина эмас, муҳтарам артистларимизга ҳам бордир.

Улар ҳам сахна керакларини халқ орасида юруб ўрганмаклари лозимдир.

Ожизона бу фикримни хурматли ёшларимизга арз киламан.

Мухтарам ёзгувчиларимизга. Мазкур макола-очик хат «Садои Туркистон» газетасининг 1915 йил 6 февраль сонидан эълон қилинган.

«*Падаркуш*» — Махмудхўжа Бехбудийнинг шу номли пьесаси назарда тутилмоқда. Илк бор 1913 йилда сахналаштирилган бу асар Туркистоннинг кўплаб шаҳарларида жадид ёшлар томонидан сахнага қўйилган.

Интибох — сезгирлик, хушёрлик.